

## Намозга азон айтилганида

09:30 / 03.03.2018 3397

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**«Намозга азон айтилганида, шайтон азонни эшитмаслик учун ел чиқариб, ортига қарамай қочади. Азон айтиб бўлингач, яна келади. Намозга иқома айтилса, яна ортига қараб кетади. Иқома айтиб бўлингач, одамнинг дилига васваса солиш учун яна қайтиб келади. Эсламаётган нарсасини эслатиб: «Уни эсла, буни эсла», дейди. Натижада киши қанча намоз ўқиганини ҳам билмайдиган бўлиб қолади», дедилар».**

Муттафақун алайҳ.